

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FIL.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУРАЕВА СОЖИДА РАВШАНКУЛОВНА

XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА МУМТОЗ ЛИРИК
ЖАНРЛАР ТАДҚИҚИ (рубойи, туюқ, китъа мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Джураева Сожида Равшанкуловна

XX аср ўзбек адабиётшунослигида мумтоз лирик жанрлар тадқиқи (рубойи,
туюк, қитъа мисолида)..... 3

Джураева Сожида Равшанкуловна

Изучение классических лирических жанров в узбекской литературе XX века
(на примерах рубайи, туюк и қитъа) 23

Juraeva Sojida Ravshankulovna

The study of classical lyrical genres in Uzbek literature of the XX century (on the
examples of rubayi, tuyuq and qit'a)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FIL.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУРАЕВА СОЖИДА РАВШАНКУЛОВНА

XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА МУМТОЗ ЛИРИК
ЖАНРЛАР ТАДҚИҚИ (рубойи, туюқ, китъа мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil522 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.samdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Салоҳий Дилором Исомиддин қизи**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Эркинов Афтондил Садирхонович**
филология фанлари доктори

Очилов Эргаш
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz). Самарқанд давлат университети, Бош бино1-қават, анжуманлар зали (105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8 366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz).

Диссертация автореферати 20__ йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

М.Қ. Муҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

А.Б. Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д.

А.Э. Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида Шарқ шеърятини ўз жозибдорлиги билан алоҳида эътиборга сазовар бўлганлиги боис мумтоз лирик жанрлар борасида кўплаб илмий-назарий, қиёсий-тарихий методдаги ишлар амалга оширилган ва бу борадаги чуқур анализ ва синтез ишлари ҳозирги кунда ҳам олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда лирик жанрларнинг тарихий-типология қиёслаш тамойиллари асосида ўрганилиши илмий ишларнинг маълум бир қисмидагина ёритилганлиги кузатилади. Айни пайтда мумтоз лирик жанрларнинг ўрганилишини замонавий илмий-назарий қарашлар ва методлар асосида таҳлил этиш адабиётшуносликнинг адабиёт назарияси, мумтоз адабиёт тарихи, шеършунослик, қиёсий адабиётшунослик, шунингдек, адабий танқид каби тармоқларининг тараққиётини таъминлашда муҳим омиллардан бири саналади. Ана шу жиҳатдан мазкур мавзу аҳамиятли масалалардан бири сифатида ўзининг долзарблигини белгилаб беради.

Жаҳон адабиётшунослигида мумтоз лирик жанрлардан рубоий, туюқ, қитъанинг XX асрда ўрганилиши билан боғлиқ муаммо ва илмий концепцияларни аниқлаш, уларнинг жанрини белгилашда мезон масаласига ойдинлик киритиш ва замонавий тамойиллар асосида кичик лирик жанрлар борасида аниқ назарий хулосаларга келиш зарурати сезилмоқда. Шу билан бирга бугунги кунда бир ном билан аталувчи ҳам бадиий санъат, ҳам жанр ҳисобланган муаммо, таърих, чистон кабиларнинг ўзига хос жанрий канонларини асослаш ёрдамида уларни бошқа жанр ва санъатлардан ажратиш ҳамда замонавий тўртликларда анъанавийлик ва новаторлик уйғунлигини тадқиқ этиш эътиборли масалалардан биридир. Мазкур муаммоларни методология тамойилларга асосланган ҳолда тадқиқ этиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида шеърини жанрлар мезони масаласи хусусида билдирилган илмий қарашларда бир-бирига мос келмаслик ёки бир-бирини инкор этиш ҳолатлари кузатилди, айниқса, мумтоз шеърини жанрлардан рубоий, туюқ, қитъа таҳлили борасидаги қарашлар адабиётшунослигимизда кўплаб баҳсу мунозараларга сабабчи бўлди.

Шу туфайли кичик шеърини жанрларни бир-биридан фарқлашда қандай мезонларга асосланиш лозимлиги ечими кутилаётган масала сифатида бугунги кун адабиётшунослигида долзарбдир. Бу борадаги қарашларни анализ ва синтез этиш, масаланинг ўз ечимини топишида мавжуд назарияларнинг илмий-амалий аҳамиятини очиқ бериш ва шу асосда илмий далилланган тўғри фикрга келиш фанда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро “Илм йўқ жойда қоқлик, жаҳолат ва тўғри йўлдан адашиш бўлади”¹. Бугунги кунда таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш борасида белгиланган вазифалар бевосита адабиётшунослик, айниқса, ўзбек мумтоз

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси / Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь. №19. – Б.2.

адабиётини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш борасидаги илмий изланишлар кўламини кенгайтириш учун кенг имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4958-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лирик тур ва унинг жанрлари ҳақидаги дастлабки назарий қараш Аристотель “Поэтика”сида, кейинчалик Ғарбда Гегель, Белинский, Веселовский, Бюхер, Шарқда Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Берунийларнинг асарларида ифода этилди. Бу мавзу XX асргача бўлган даврда араб, форс-тожик олимлари билан бирга Шайх Аҳмад Тарозий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби ўзбек адабиётшунослари асарларида ҳам анча кенг ёритилди.

XX аср дунё адабиётшунослигида шеър илми борасида олиб борилган тадқиқотларда умуми адабий масалалар билан бир қаторда мумтоз адабиётимиз намояндалари шеърини, уларнинг жаҳон адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси, шунингдек, вазнлар, мумтоз шеърининг жанрлар, бадий санъатлар, мумтоз қофия сингари масалалар тадқиқ этилди¹.

XX аср ўзбек адабиётшунослигида бу борадаги фаолият 20–50 йиллар оралиғида А.Фитрат, А.Саъдий, А.Мажидий, И.Султон, О.Шарафиддинов,

¹ Фуод Кўпрулузода. Турк адабиёти тарихи. – Истанбул, 1920; Бертельс.Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – Москва, 1960; Бартольд В.В.Сочинения. Мир Алишер и политическая жизнь. – Москва, 1964; М.К.Хамроев. Основы тюркского стихосложения. – Алма-Ата. 1963; Стеблева И. В. Арабо персидская теория рифмы и тюрко язычная поэзия, сб. “Тюркологический сборник”. – Москва, 1966; В.Развите тюркских поэтических форм.в. XI веке. – Москва, 1971; Л.Н.Серикова. Некоторые типы организации рубаи Алишер Навои. «Советская тюркология». – Баку. 1973. № 6; Малые жанры лирики Навои. Автореф дисс на соиск. уч. степ. канди. фил. Л., 1975; Фризман Л.Г. Жизнь лирического жанра. – Москва 1973; Османов М.Н. О стиле персидско-таджикской поэзия IX-X.вв. – Москва,1974; Козмоян А.К. Рубаи в классической поэзия на фарси. – Ереван.1981; Чернец Л.В. Литературные жанры. – Москва, 1982; Аминов А. Жанр рубаи и советская лирика философская поэзия. –Душанбе.1988; Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. – Москва, 1989; Рустамов Э.Узбекская поэзия в первой половине XV века.–Москва, 1963.

С.Мирзаев, В.Абдуллаев¹, 50-60 йиллардан бошлаб А.Ҳайитметов, М.Шайхзода, Ё.Исҳоқов, Н.Маллаев, А.Абдуғафуров, О.Носиров, Ҳ.Зариф, Р.Орзибеков, Т.Бобоев, А.Рустамов, Б.Валихўжаев, А.Ҳожиаҳмедов, В.Раҳмонов, У.Тўйчиев, А.Багиров, М.Иброҳимов, Ж.Камол, С.Ғаниева, Н.Шукуров, Э.Аҳмадхўжаев, С.Ҳасанов, И.Ҳаққулов, Б.Саримсоқов, Ж.Жўраев ва бошқалар томонидан амалга оширилди². Уларда Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг маълум жанр юзасидан билдирган фикрлари ўрганилиб, кўшимча фикр-мулоҳазалар билан тўлдирилди, баъзан назарий қарашлар бир-бири билан солиштирилиб, ягона илмий хулосага келинди. Яъни мазкур тадқиқотларда лирик жанрларнинг тарихий-қиёсий ўрганилиши билан бир қаторда замонавий адабиётшуносликдаги тадқиқотга маълум маънода мурожаат этилди.

Аммо уларда лирик жанрларнинг айнан XX аср ўзбек адабиётшунослиги доирасида ўрганилиши ва бу борадаги масалалар ҳамда назарий муаммолар, айниқса, тўртлик шаклидаги жанрларни бир-биридан ажратишда мезон масаласи кабилар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Тўғри,

¹ Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. – Тошкент, 1924; Гўзал санъат дунёсида // Инқилоб. – Тошкент, 1922, №2; Адабий ижод майдонида. Ўзгаришчи ёшлар. 1924, №7; Маҳмуд В. Бугунги шеърятимиз ва санъаткорларимиз. – Тошкент, Маориф ва ўқитувчи, 1925, №3; О.Ҳошим. Диалектика ва диалектик усулда ўйлаш. – Тошкент, Маориф ва ўқитувчи, 1925, №3; Сотти Хусайн. Ўзбек адабиётининг хозирги муҳим масалалари // Қизил Ўзбекистон. 1929, 25, 28 январь. Мирзаев С. Навоий арузи. – Тошкент, Фан, 1946; Зариф Ҳ. Рубоий. Родоначалник узбекской литературы. Сбор. Стат. – Ташкент, 1940; Алишер Навоий. Рубоий ва туюқлар (Тўплам. Сўзбоши муаллифи). – Тошкент, 1944; Ойбек. Навоий ғазалиёти. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1961, №3, – Б.3; Навоий ғазалиёти (давоми) Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1961, № 5. – Б.15-26.

² Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент, Фан, 1961, – Б.295; Ҳ.Зариф. Алишер Навоийнинг рубоий ва туюқлари // Фозиллар фазилати. – Тошкент, Фан, 1969; Ойбек. Навоий ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1961, № 2.– Б. 3-12; Навоий ғазалиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1961, № 1.–Б. 8-12; Навоий ғазалиёти (давоми) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1961, № 5.– Б.15-26; Б.Валихўжаев. Алишер Навоий ва унинг издошлари талқинида туюқ // Адабий мерос. – Тошкент, 1973, №3. – Б. 148-152; Исҳоқов Ё. Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент, Фан, 1968– Б.65; Навоий поэтикаси. – Тошкент, Фан, 1983.– Б.167; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи.1-том. – Тошкент, 1965; Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожига Навоийнинг роли // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1961, №3; Ҳожиаҳмедов А. Аруз назарияси асослари. – Тошкент, ТошДУ, 1982. –Б.64; Абдуғафуров А. Навоийнинг ўз даври сатирасига муносабати. (2-мақола). // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964, №2. –Б.18; Навоий китъаларининг сарлавҳалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969, №1, –Б.21; Ҳаққулов И. Рубоий ҳақида баъзи мулоҳазалар. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974, № 6.–Б. 17-22; Ўзбек адабиётида рубоий. – Тошкент, Фан, 1981. –Б.98; Ғаниева С. Шеъринг инжулар // Рубоий сеҳри. – Тошкент, Ёш гвардия, 1986.– Б. 152; Шарафиддинов О. Алишер Навоий поэтикасининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. №4; Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Тошкент, Адабиёт ва санъат. 1972, – Б.136; Носиров О., Жамолов С., Зиёвдинов М. Ўзбек классик шеърятининг жанрлари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1979.– Б.183; Тўйчиев У. Ўзбек шеър системалари. Фан,–Тошкент, 1981; Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент, Фан, 1985.– Б.376; Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. –Тошкент, 1976.–Б.168; Туюқ поэтикаси (Фан ҳақида суҳбатлар) – Тошкент, Ўзбекистон, 1985. –Б.23; Ўзбек классик лирик поэзияси жанрларининг инкишоф йўли. – Самарқанд, СамДУ,1980. – Б.60; Ўзбек классик шеърятининг мураббаъ. – Тошкент, Ўзбекистон, 1981.–Б.22; Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Тошкент, Фан, 1972; Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1979; Жамол К. Индивидуал услуб ва лирик шеър композицияси. (Шайхзода шеърлари асосида) // Ўзбек тили ва адабиёти.–Тошкент, 1970, № 3. –Б. 9-13; Лирикада жанрлар масаласи. Ўзбек тили ва адабиёти. 1976, №6.–Б.7-11; Иброҳимов М. Кичик поэтик жанрлар ва уларнинг услуб хусусиятлари // Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент, Фан, 1983.–Б.206; Багиров А. Туюқнинг жанр хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти.–Тошкент, 1980. № 4.–Б. 33–36; Туюқнинг вазни ва халқ шеърига муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1981.№ 5.–Б.27–34; Жувонмардиев А. Нодир саҳифалар.–Тошкент, Фан, 1977.–Б.77; Иброҳимов М. Кичик поэтик жанрлар ва уларнинг услуб хусусиятлари / Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. –Тошкент, Фан, 1983. – Б.154-206.

XXI асрга келиб Э.Очиловнинг “XX аср ўзбек адабиётшунослигида рубоийнинг ўрганилиши” ва Б.Саримсоқовнинг “Алишер Навоий ва шеърий мезонлар масаласи” мақолалари¹ таркибида мазкур мавзу муайян даражада қиёсий-назарий таҳлил усули ёрдамида очиб берилган. Аммо яхлит илмий-монографик иш сифатида таҳлил этилмаган.

Мазкур муаммонинг мавжудлиги адабиётшунослигимизда янги тадқиқотлар олиб борилишини талаб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср ўзбек шеършунослигида кичик мумтоз лирик жанрлар(рубоий, туюқ, қитъа)нинг тадқиқ этилиш тамойилларини аниқлаш, бу борада юзага келган муаммоли масалаларга ойдинлик киритиш, мавжуд назарий чалкашликларни асослаш, мунозарали масалалар ўз ечимини топишида ўзбек олимлари хизматини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

лирик жанрлар поэтикаси, тараққиёти ва жанрий мезонлари каби масалаларга бағишланган илмий изланишлар: мақолалар, монографиялар, диссертацияларни илмий-қиёсий таҳлил усулида тадқиқ этиш ва шу орқали уларнинг илмий янгилигини аниқлаш, шеърий жанрлар мезонларини белгилашда мазкур тадқиқотларнинг илмий-назарий аҳамиятини ёритиш;

тўртлик кўринишидаги бир қатор шеърий жанрларни бир-биридан ажратиш мезонларини белгилаш, хусусан, рубоий, туюқ, қитъа тўғрисида билдирилган фикрлардаги илмий чалкашликларга аниқлик киритиш ва шу асосда уларга хос бўлган шаклий ва мазмуний мезонларни ишлаб чиқиш;

бир ном билан аталувчи ҳам санъат, ҳам жанр ҳисобланган тушунчаларга аниқлик киритиш, уларнинг фарқли ва ўхшаш томонларини ёритиш асосида бошқа жанр ва санъатлардан ажратиш;

замонавий шеърий жанрларда анъанавийлик ва новаторлик хусусиятлари уйғунлигини тадқиқ этиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида лирик жанрлар тараққиёти ва поэтикаси, шаклий ва мазмуний мезонлари масаласига бағишланган тадқиқот ишлари, монография, рисола ва мақолалар, диссертациялар, айниқса, кичик лирик жанрлар тадқиқига бағишланган илмий изланишлар, шунингдек, лирик жанрлар билан алоқадор шеърий санъатлар масаласига бағишланган илмий манбалар танланган.

Тадқиқотнинг предметини кичик лирик жанрларнинг ўрганилиши билан боғлиқ масалалар, айниқса, тўртлик шаклидаги шеърий жанрларни белгилашда мезон масаласи бўйича XX аср ўзбек адабиётшунослари олиб

¹ Очилов Э. Ўзбек адабиётшунослигида рубоийнинг ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2005. № 6. – Б.19-32; Саримсоқов Б. Алишер Навоий ва шеърий мезонлар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. № 1. – Б.16-22.

борган тадқиқот ишларида юзага келган назарий муаммолар ва чалкашликлар таҳлили ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда илмий кузатувнинг қиёсий-назарий таҳлил, шунингдек, илмий шарҳ методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX аср ўзбек шеършунослигида кичик лирик жанрлар тадқиқи борасидаги назарий масалалар ва илмий тамойиллар аниқланган;

қитъа қофияланишига кўра маснавий, ғазал ёки тўртлик шаклидаги жанрлардан фарқланиши эътиборга олинмаслиги натижасида юзага келган нотўғри назарий хулосалар ва “ғазали-қитъа”, “туюқ-қитъа”, “туюқ-рубойи” тарзида жанрларни бир-биридан ажратиш тамойилларида ноаниқлик ва қоришиқлик мавжудлиги исботланган;

ҳам жанр, ҳам бадий санъат номи ҳисобланган атамалар баъзан бир-биридан фарқланмасдан қўлланилиши кузатилган ҳамда адабиётшуносликда истихрож (китобат) ва муаммо санъатларининг тадқиқида ноўрин назарий қарашларга ойдинлик киритилган;

оддий марсияларнинг мазмуний тараққиёти – таърих жанрининг тараққиёти сифатида нотўғри таҳлил этилиши очиқ берилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

XX аср ўзбек шеършунослиги илмининг намояндалари, шеърий жанрлар тармоғининг пайдо бўлиши ва ривож, лирик жанрлар тадқиқида юзага келган илмий муаммолар, шеърий санъатлар ва жанрлар ўртасидаги боғлиқлик, умуман олганда XX аср ўзбек шеършунослиги илмига доир маълумотлардан ўзбек адабиёти тарихи ва адабиёт назарияси билан боғлиқ тадқиқотлар, дарслик ва методик ишлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги далилланган;

лирик жанрлар борасида билдирилаётган фикрлардаги чалкашликларни бартараф этишда, бу борадаги ноаниқ фикрларга барҳам беришда ва ягона умумлашган хулосага келишда ушбу ишнинг муҳим амалий аҳамиятга эга эканлиги далилланган;

тадқиқот натижасида олинган хулосалар адабиётшунослик фанини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши ва ҳозирги давр шеършунослиги илми учун фойдали бўлган ўзига хос илмий тамойиллар шаклланишига хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда муаммонинг аниқ қўйилганлиги, лирик жанрлар тадқиқида бағишланган рисоалар, монографиялар, диссертациялар, мақолалар ва умуман мавзуга оид барча илмий тадқиқотлар асосида амалга оширилганлиги, адабиётшуносликнинг илмий-қиёсий таҳлил усули ёрдамида ечилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини тасдиқлайди. Шунингдек, диссертация натижаларининг ишончлилигини тадқиқот йўналиши ва илмий изланишлар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот методлари ҳам тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, лирик жанрларнинг ўрганилиш тарихи, XX аср ўзбек шеършунослигида рубойи, туюқ, қитъа жанрларининг

тадқиқидаги илмий тамойиллар, таҳлил ва талқин, баҳсли масалалар ва чалкашликлар, уларнинг ўз ечимини топишида ўзбек олимлари хизмати ёритиб берилиши жиҳатидан илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, илмий-назарий хулосаларидан ўрта ва олий ўқув юртлари тизимидаги таълим жараёнида бевосита фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижалари шеър илмини янада чуқурроқ ўрганишда, унинг назарий асосларини очиб беришда, жумладан, адабиётшунослик, мумтоз адабиёт тарихи, шеърини санъатлар, шеърини жанрлар каби фанлардан дарслик ва қўлланмалар тузишда илмий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср ўзбек адабиётшунослигида лирик жанрлар тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

лирик жанрларнинг ўзбек адабиётшунослигида ўрганлиши тамойиллари бўйича қўлга киритилган илмий хулосалардан ОТ-Ф8-027-рақамли “Қўлзма манбаларнинг миллий-маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 89-03/2740-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланиши билан ўзбек адабиётида лирик тур ва жанрларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва такомилида араб, форс-тожик адабиёти, XIX аср охирига келиб жаҳон адабиётининг таъсири, адабий-маданий алоқалар ва ўзаро таъсир турли хил миллатлар адабиётида бир-бирига ўхшаш бадиий шакллар ва адабий жанрларнинг юзага келишидаги аҳамияти сингариларни ўрганиш имконияти яратилган.

ўзбек халқ оғзаки ижоди анъаналарининг рубоий, туюқ, қитъа каби мумтоз лирик жанрларнинг тарбиявий ролидаги аҳамияти бўйича қўлга киритилган илмий хулосалардан ХТ-Ф2-004-рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 6-февралдаги 89-03-521-сон маълумотномаси). Натижада ёшлар қалбида миллий кадрларимизни эъозлаш, улуғ аجدодларимиздан мерос бўлиб қолган маънавий бойликларимизни асраб-авайлаш туйғусини шакллантиришда, уларнинг маънавий дунёсини кенгайтириш ва гўзал ҳулқ эгаси қилиб тарбиялашда халқ оғзаки ижоди таъсирида вужудга келган рубоий, туюқ, қитъадаги ахлоқий-таълимий мазмуннинг роли ниҳоятда беқиёс эканлиги ёритиб берилган.

XX аср ўзбек шеършунослигида “лирик жанрлар” тармоғининг тараққий этиши, бунинг натижасида лириканинг мумтоз ва замонавий жанрлари кенг ўрганилганлиги; жанрий мезонлар масаласидаги ноаниқликлар туфайли адабиётшунослигимизда рубоий, туюқ ва қитъа ўртасида ҳамда таърих ва марсия, муаммо ва истихроҷ сингари жанр ва санъатлар тадқиқидаги чалкашликлар юзасидан Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими қошидаги “Садоқат” адабий-ижодий тўғарагида маърузалар ўқилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 9 январдаги 01-03-06/25-сон маълумотномаси). Илмий натижалар ёш ижодкорларнинг XX аср ўзбек

адабиётшунослигида лирик жанрлар тадқиқи хусусида, шунингдек, лирик жанрлар ҳамда шеърӣ санъатларни белгилашда мезон масаласи муҳим аҳамиятга эга эканлиги юзасидан маълумотга эга бўлишида кўмаклашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот юзасидан жами 19 та иш эълон қилинган. Жумладан, диссертация мавзуси бўйича 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияси асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 165 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўзбек адабиётшунослигида мумтоз лирик жанрларнинг ўрганилиш тарихи”** деб номланган. Боб икки фаслдан таркиб топган.

“Ўзбек шеършунослиги тараққиёти тарихига бир назар” деб номланган биринчи фаслида адабиётшунослик ва шеършунослик илми ҳақидаги илк назарий фикрларнинг пайдо бўлиши, такомил, араб-форс шеършунослиги тараққиёти, ўзбек адабиётшунослигининг шаклланиш даври, ўзбек шеършунослигидаги дастлабки назарий асарлар ва уларнинг амалий аҳамияти тадқиқ этилган.

Мумтоз адабиётшунослигимизда лирик тур ва унинг жанрлари тараққиёти билан боғлиқ ҳолда шеър илми ҳам шаклланди. Аруз, қофия ва бадиият ҳақидаги назарий қарашлар шеършунослик илмининг “илми бадеъ”, “илми аруз” ва “илми қофия” каби тармоқларини юзага келтирди. Улар умумий тарзда Шарқ адабиёти поэтикасини, яъни шеър назариясини вужудга келтиришда асосий таркибий қисмлар вазифасини бажарди. Бу ўринда “Поэзия санъат бўлса, поэтика шу санъатни илмий таҳлил этувчи фан” сифатида тараққий этди¹. Маълумотларга кўра Шарқ мумтоз адабиётида

¹ Сирождидинов Ш., Юсупова Д., Давлатов О. Навоийшунослик.1-китоб. – Тошкент, Тамаддун, 2019. – Б.276.

поэтика даставвал “илми балоға” (Қуръон оятларини шарҳлаш) шаклида вужудга келган бўлса, кейинчалик XI асрга келиб, поэтика “илми адаб” (адабий илмлар) доирасида ривожланди.

Шу асосда айтиш мумкинки, шеършуносликка оид қарашлар тарихан уч гуруҳ асарлар таркибида учрайди: 1) адабиётшунослик масалаларига бағишланмаган асарлар; 2) адабиётшуносликка бағишланган асарлар; 3) махсус шеър илмига бағишланган асарлар.

Шеър ва у билан боғлиқ масалаларнинг ўрганилиш тарихини Б.Валихўжаевнинг¹ адабиётшунослик илмини даврлаштириши асосида қуйидаги босқичларга бўлиб тадқиқ этиш ўринлидир:

1) Илк-дастлабки қарашлар (Аристотелнинг “Поэтика”сининг яратилишидан бошлаб то XI–XIV асрлар);

2) Ўзбек мумтоз адабиётшунослигида ўрганилиши: (XIV–XVI асрлардан XX асрнинг бошларигача бўлган давр);

3) Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида ўрганилиши (XX асрдан то ҳозирги кунгача).

Диссертацияда Шарқ мутафаккир олимлари Форобий, Ибн Сино, Берунийнинг Аристотель “Поэтика” асаридаги фикрларини илмий шарҳлаганликлари ва шу билан бир қаторда ўз мустақил фикрларини ҳам билдириб ўтганликлари кузатилади. Шу билан бир қаторда тадқиқотда бу даврда араб шеършунослиги шаклланиб, ривож топганлиги (VIII дан бошлаб), форс-тожик олимлари аруз, қофия ва бадийликда араб олимлари фикрларига суянганликлари ҳақида маълумот берилади ва бу даврларда яратилган (форс-тожик ва туркий адабиётлар поэтикасига доир) асарлар обзори келтирилади. Ўрта асрлар адабиётшунослигининг энг катта ютуғи шунда кўринадики, шеър илмига бағишланган дастлабки ўзбек тилидаги соф илмий асарлар: Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Мухтасар” рисоалари юзага келди. Ишнинг бу фаслида ушбу асарлар мазмуни мухтасар ёритилди.

Биринчи бобнинг **“XX аср ўзбек шеършунослигида жанрлар масаласининг ўрганилиши”** деб номланган иккинчи фаслида шеър ва шоирлик, лирик тур ва жанрлар, санъат ва бадиият, қофия ва радиф, вазн ва унинг турлари каби масалалар XX аср ўзбек адабиётшунослигида кенг доирада тадқиқ этилганлиги кузатилади.

Ҳеч бир даврда ўзбек шеърятни қонуниятлари бу даражада кенг доирада ўрганилмаган эди. Мазкур давр шеършунослигида шеърятнинг барча масалалари чуқур таҳлил этилди. Бунинг натижасида шеър илми алоҳида фан сифатида ривож топди. Хусусан, шеършуносликнинг бошқа тармоқлари сингари “лирик жанрлар” тармоғи ҳам кенг тараққий этди.

XX асрда шеър ва у билан боғлиқ масалаларнинг ўрганилишини қуйидаги даврий босқичларга бўлиб тадқиқ этиш мумкин: 1) 20–50 йиллар адабиётшунослигида ўрганилиши; 2) 60–80 йиллар адабиётшунослигида

¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи (X–XIX аср). – Тошкент, Ўзбекистон, 1993. – Б.37–38.

ўрганилиши; 3) Мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослигида ўрганилиши. Мазкур уч давр бир-биридан билдирилган назарий фикрларнинг илмийлик даражаси ва тадқиқот объектининг кўламдорлиги жиҳатидан фарқланади. Хусусан, 20–50 йиллар адабиётшунослигида фикрларда анча соддалик ва жўнликни кузатишимиз мумкин. XX асрнинг 20-йилларида олиб борилган Вадуд Маҳмуд, Отажон Ҳошим, Абдурахмон Саъдий, Сотти Хусайнларнинг тадқиқотлари жуда ғўр, ўзбек миллий адабиётшунослиги тўплаган минг йиллик тажрибани айрим ғарб мафкурачиларининг “ижтимоий ғоя”ларига айирбошлаш¹, деб баҳоланди. Аммо ўз вақтида Фитратнинг адабиёт назариясига, шу жумладан, лирикага оид қарашлари муҳим воқеа эди.

XX аср ўзбек адабиётшунослигида 60–80 йиллар шеършунослиги 20-50 йиллар шеършунослигидан бир қатор хусусиятларига кўра фарқланади: 1) биринчи давр шеършунослигида шеърини масалалар бўйича назарий фикрлар умумий тарзда билдирилган бўлса, ушбу давр шеършунослигида эса муайян шоир ижоди мисолида аниқ фикрлар ифода этилди; 2) тадқиқот объекти сифатида асосан Алишер Навоий шеърини танлаб олиниб, шу асосда шеър илмида мавжуд бўлган барча саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинди; 4) натижада шеър илмининг барча тармоқлари “илми аруз”, “илми қофия”, “илми бадеъ” ривожланди; 5) ҳатто шеър илмининг янги йўналиши сифатида лирик жанрлар тармоғи ҳам кенг тараққий этди.

Шу асосда бу даврда лирик жанрларнинг ўрганилиши икки йўл асосида, яъни бирор шоирнинг лирик жанрлардан фойдалана олишдаги қобилиятини аниқлаш асосида ёки бир бутун тадқиқот иши муайян бир жанрнинг тарихий тараққиёти ва поэтикасини ўрганишга бағишланиши асосида амалга оширилди, дейиш мумкин.

60-йилларнинг охиридан алоҳида тадқиқотлар объектига айланган лириканинг қатор жанрлари 70–80 йилларга келиб янада кенг ўрганила бошлади.

О.Носировнинг “Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг такомил” (1977), О.Носиров, С.Жамолов, М.Зиёددинов ҳаммуаллифлигида “Ўзбек классик шеърини жанрлари” (1979), А.Жувонмардиевнинг “Нодир саҳифалар” (1977), Р.Орзибековнинг “Лирикада кичик жанрлар” (1976), “Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат” (1976), И.Ҳаққуловнинг “Ўзбек классик адабиётида рубоий” (1981), М.Иброҳимовнинг “Ўзбек шеърини таркиб топши” (1982) ҳамда “Ўзбек совет поэзияси жанрларининг таркиб топши” (1983), Н.Очиловнинг “Ўзбек лирикасининг кичик жанрлари” (1981), Ж.Камолнинг “Лирик шеърини” (1986), В.Мўминовнинг “Ўзбек демократик адабиётида лирика” (1979) номли рисола ҳамда мақолалари асосан олиб борилган илмий диссертациялар натижасида юзага келди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Кичик лирик жанрлар тадқиқидаги муаммолар ва ечимлар”** деб номланган. Бобнинг **“Рубоийнинг ўрганилиши билан боғлиқ масалалар”** деб номланган биринчи фаслида

¹ Ҳ.Болтабоев. Профессор Абдурауф Фитратнинг назарий қўлланмаси / Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1995. – Б.4.

кичик лирик жанрлардан рубоийнинг ўрганилишидаги тамойиллар ва муаммоли масалалар тадқиқ этилган.

XX аср ўзбек адабиётшунолигида А.Ҳайитметов, Б.Валихўжаев, С.Ғаниева, Ё.Исҳоқов, И.Ҳаққулов, Ҳ.Зариф, Р.Орзибеков, Н.Комилов, Н.Маллаев, И.Ҳаққулов, О.Носиров кабилар рубоий генезиси, ғоявий-поэтик хусусиятлари, композицияси, вазни, қофия хусусиятлари каби кўплаб илмий масалаларга ойдинлик киритишди¹.

Шу билан бирга қарашлардаги ўзаро зиддиятлар фанда бахс-мунозараларга сабабчи бўлди. Улар қуйидаги масалалар бўйича билдирилган фикрларда кузатилди: 1. Рубоийнинг пайдо бўлишида форс ва турк адабиётининг ўрни масаласи; 2. Рубоий жанрининг дубайтийлар ва тарона билан алоқадорлиги масаласи; 3. Рубоий жанрининг тўртлик, туюқ ва қитъа каби шеърӣ жанрлардан фарқи масаласи; 4. Рубоий жанрининг замонавий кўринишлари масаласи.

Биринчи масала юзасидан мулоҳаза юритилганда рубоийнинг келиб чиқиш генезиси икки халқ адабиёти анъаналари билан боғлаб ўрганилди. Хусусан, форс-тожик адабиётининг бир қатор мутахассислари (М.И.Занд, Саид Нафиси, Р.Ходизода, Х.Мирзаода, Ш.Шомуҳаммедов, У.Каримов, И.С.Брагинский, Р.Амонов, А.Ҳақимов ва бошқалар) рубоийнинг форс-тожик адабий заминиди пайдо бўлганлигини ёқладилар. Шундай фикрларга ўзбек адабиётида Фитрат, Ҳ.Зариф, Н.Маллаев, Э.Очилов тадқиқотларида ҳам дуч келиш мумкин². Е.Э.Бертельс, Фуод Кўпрулузода, Т.Ковалский, М.Ҳамраев, Э.Рустамов, М.Юнусов И.Ҳаққулов ва бошқалар рубоий шаклининг пайдо бўлишида туркий халқлар адабиётидаги қадимги тўртликларнинг таъсири муҳим роль ўйнаганлигини таъкидладилар³.

¹ Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби.– Тошкент, Ўзбекистон, 1970; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент, Фан, 1961. – Б. 58–64; Валихўжаев Б.Алишер Навоий ва унинг издошлари талқинида туюқ // Адабий мерос. – Тошкент, 1973, № 3.– Б.148-160; Ғаниева С. Шеърӣ инжулар /Рубоий сеҳри.– Тошкент, Ёш гвардия, 1986. – Б. 152; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент, Фан, 1983. – Б. 78–84; Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. – Тошкент, 1981. – Б. 59; Рубоий ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974, № 6. – Б. 38–72; Анъана ва маҳорат (Навоий ва Бобур рубоийлари асосида) / Навоий ва ижод сабоқлари.–Тошкент, Фан, 1981. – Б. 90–106; Зариф Ҳ. Алишер Навоий. Рубоий ва туюқлар. – Тошкент, Ўздав нашриёти, 1944. – Б. 23; Алишер Навоийнинг рубоий ва туюқлари ҳақида / Фозиллар фазилати. – Тошкент, 1969.–Б. 95–109; Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. –Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1976. – Б. 52-91; Саломов Ғ., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар / Таржима санъати. 3-китоб. – Тошкент, 1976. – Б. 97–169; Ҳаққулов И.Ўзбек адабиётида рубоий. – Тошкент, Фан,1981. – Б.98; Рубоий ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти.–Тошкент, 1974, № 6 –Б. 17-22; Рубоийда композиция ва қофия // Ўзбек тили ва адабиёти. 1975, № 3; Ўзбек рубоийётига доир баъзи мулоҳазалар / Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари.–Тошкент, Фан, 1974.–Б. 124-129; Носиров О., Жамолов С., Зиёددинов М. Ўзбек классик шеърӣяи жанрлари. – Тошкент,Ўқитувчи, 1979. –Б.183.

² Фитрат Абдурауф. Адабиёт қоидалари.–Тошкент, Ўқитувчи, 1995.–Б.51; Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи.– Тошкент, 1976. – Б.99; Очилов Э. Убайдийнинг форсий рубоийлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999, № 6 – Б. 6; Паҳловон Маҳмуд рубоийларида фугувват ғоялари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999, № 2. – Б. 21-28;

³ Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. –М.,1960, –С.88; Ҳамраев М.К.Основы тюркского стихосложения. – Алма-Ата, 1963, –С.142-143; Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV века. – М., 1963, – С.77–78; Юнусов М. Классик ва ҳозирги замон поэзиясида рубоий // Барҳаёт анъаналар. –Тошкент, 1969; Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. –Тошкент, Фан, 1981. –Б. 29.

Чунончи, Ян Рипка, Е.Э.Бертельс, Т.Ковалский, М.Хамраев кабилар ўз тадқиқотларида рубоийнинг қофияланиш шакли арабларда маълум эмаслигини назарда тутган ҳолда бундай қофияланиш турк шеърини таъсирида келиб чиққан бўлиши мумкинлигини тахмин қилишади ва рубоий генезисини туркий тўртликларнинг қофияланиш тартиби билан боғлайди. Мазкур қарашга М.Юнусов, Э.Рустамов, И.Ҳаққулов каби олимлар ҳам қўшилади ¹.

Мазкур қарашлар асосида рубоий жанрининг шаклланишида маълум жиҳатдан туркий халқ оғзаки ижодининг таъсири бўлган дейишимиз мумкин. Аммо X асрдаёқ форс адабиётида рубоий намуналари Рудакий ва Шукур Балхий кабилар томонидан яратилганлиги, бундан ташқари XI-XII асрда эса Умар Хайём рубоийчиликда катта муваффақиятларга эришганлигини инобатга олсак, ўз-ўзидан дастлабки мукамал рубоий намуналари, албатта, форс адабиётида яратилган, деган хулоса келиб чиқади.

Иккинчи бобнинг **“Қитъа тадқиқидаги назарий муаммолар”** деб номланган иккинчи фаслида қитъа жанрининг ўрганилишида юзага келган бир қатор чалкашликлар тадқиқ этилган.

Илк назарий манбаларда қитъа ҳақида тўлиқ назарий маълумотнинг йўқлиги, шунингдек, мавжуд бўлган қарашлардаги ҳар хиллик XX аср ўзбек адабиётшунослигида турли чалкаш мулоҳазаларга сабаб бўлди. Мазкур чалкашликлар: 1) қитъанинг яратилиши бўйича; 2) қитъанинг ғазал жанридан фарқи бўйича; 3) қитъанинг қофияланиш тартиби бўйича; 4) қитъанинг турлари бўйича билдирилган қарашларда юзага келди.

“Қитъа” сўзи мустақил жанр маъносини англатиб келганда, икки хил кўринишдаги жанрлардан: 1) ғазал ва қасида кўринишидаги жанрлардан; 2) рубоий, туюқ сингари тўртлик кўринишдаги жанрлардан ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро фарқланади.

Хусусан, қитъанинг ғазал ёки қасида шаклидаги кўриниши ғазаллардан ўзаро оҳангдош матлабга ва таҳаллус қўлланган мақтабга эга эмаслиги билан фарқланади. Аммо икки жанр ўртасидаги ўхшашлик олимларнинг турли хил қарашларига сабаб бўлди. Яъни ғазалга ўхшаш қитъалар баъзи манбаларда қитъанинг бир тури деб қайд этилган бўлса, баъзи манбаларда, аксинча, ғазалнинг тури деб таҳлил этилди. Хусусан, О.Носиров тадқиқотларида “ғазал-қитъа” ғазалнинг бир тури деб изоҳланади ². Р.Орзибековнинг “Лирикада кичик жанрлар” (1976) рисолида эса аксинча ғазал-қитъаларни, қитъанинг бир тури сифатида қайд этади³, аммо олим Р.Орзибеков “Ўзбек поэзиясида ғазал ва мусаммат” (1976) рисолида эса О.Носировнинг қарашларига эргшиб, ғазал-қитъаларни қитъанинг эмас, ғазалнинг бир тури сифатида кўрсатади⁴.

¹ Юнусов М. Классик ва ҳозирги замон адабиётида рубоий / Барҳаёт анъаналар. –Тошкент, 1969. – Б.80;Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий.–Тошкент, Фан,1981.–Б.32; Рустамов Э. Узбекская поэзия первой половины XV века.– Москва, Восточной литературы, 1963. –Б.77.

² Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.66.

³ Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1976. – Б. 30.

⁴ Орзибеков Р.Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Тошкент, Фан, 1976. – Б.34-35

Қитъага ғазалнинг бир тури сифатида қараш 1979 йилда Н.Шукуров, Н.Ҳотамов, Ш.Холматов, М.Маҳмудов ҳам муаллифлигида нашр этилган “Адабиётшуносликка кириш” кўлланмасида ҳам кузатилади¹. Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” рисоласида эса, аксинча, худди шу матлаъси мавжуд бўлмаган ғазаллар “қитъа” деб баҳоланган².

Бизнингча ҳам масалага шу тарзда ёндашиш ўринлидир. Ўзаро оҳангдош матлаъга эга бўлмаган шеърларга нисбатан оддийгина “қитъа” деб қараш баъзи бир чалкашликларнинг олдини олади. Аслида қитъанинг қофиядаги худди шу хусусияти уни бошқа жанрлардан ажратиб турувчи ягона қатъий мезони саналади. Мана шу белгиси билан у “қитъа”дир.

Мазкур фикрлардан қитъа учун асосий мезони унинг ўзига хос қофияланиш тартиби бўлиб чиқади. Худди шу белгиси билан қитъа ғазалдан ҳам, рубоиддан ҳам, туюқдан ҳам ажралиб туради. И.Ҳаққулов “Қитъа ва ғазал” мақоласида мазкур мавзуга чуқур ёндашади³.

Қитъа жанри бўйича юзага келган чалкашликлардан яна бири унинг қофияланиш тартиби бўйича билдирилган фикрлардаги ҳар хиллик. Юқорида кўриб чиққанemizдек қитъа учун ягона жанр мезони унинг қофияланиш тартиби бўлиб, худди шу белгиси билан у барча жанрлардан алоҳидалик касб этади. Бу хусусият фақат қитъаларга хосдир. Аммо XX асрда баъзи манбаларда қитъанинг қофияланиши а-а, б-б, в-в тарзда ҳам қайд этилди, натижада қитъа ва маснавий ўртасидаги фарқ йўқолиб, адабиётшунослигимизда маснавий шаклида қофияланувчи шеърлар ҳам қитъа сифатида таҳлил этилди. Чунончи, М.Иброҳимов ва Ғ.Маҳмудов, О.Носиров, С.Жамолов, М.Зиёвидднов⁴ томонидан олиб борилган тадқиқотларда қитъанинг қофияланиши а-а, б-б, в-в тарзида ҳам бўлиши мумкинлиги қайд этилди. Аммо бундай қофияланиш бизга маълумки, маснавийларга хосдир.

Ё.Исҳоқовнинг 80-йиллардаги тадқиқотида қайд этилишича, худди шу 41 рақамли – қитъа аслида маснавийдир. “Ғаройиб-ус-сиғар”даги⁵ 41, “Бадоеъ-ул-васат”даги 3, 18, 52 ва “Фавойид ул-кибар”даги 42 ва 44 рақамли шеърлар ҳам қитъа эмас, балки маснавий ҳисобланади⁵. Мана шу ҳисобда “Хазойин ул-маоний” девонидаги 210 та қитъадан 6 таси миниатюр маснавийлар бўлиб чиқади ва қитъалар сони 204 та эканлиги маълум бўлади. Демак, а-а, б-б, в-в, тарздаги қофияланиш тартиби маснавийга, б-а, в-а, г-а ... ёки б-а-в-а тарзида жуфт мисраларнинг ўзаро қофиядошлиги асосан қитъага хосдир.

¹ Шукуров Н., Ҳотамов Н., Холматов Ш., Маҳмудов М. Адабиётшуносликка кириш. –Тошкент, Ўқитувчи, 1979. –Б.191.

² Фитрат Абдурауф. Адабиёт қоидалари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1995. – Б.50.

³ Ҳаққулов И. Қитъа ва ғазал // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. № 6. – Б. 27-30.

⁴ Иброҳимов М. Кичик поэтик жанрлар ва уларнинг услуб хусусиятлари//Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги.–Тошкент, Фан, 1983. –Б.184; Маҳмудов Ғ. Замон, шеърит, ҳажвиёт.–Самарқанд, Сўғдиёна, 1994.–Б.53; Носиров О., Жамолов С., Зиёвидднов М. Ўзбек классик шеърляти жанрлари.–Тошкент, Ўқитувчи, 1979 – Б.152.

⁵ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент, Фан, 1983. – Б. 67–68.

Аммо юқорида кўриб ўтганимиздек, ўзаро оҳангдош байтлардан ташкил топган кичик шеърларни қитъа деб аташ адабиётшунослигимизда Ё.Исҳоқов билдирган танкидий фикрлардан сўнг ҳам давом этди. Чунончи, Ғ.Маҳмудов тадқиқотларида Аваз Ўтарнинг бир қатор маснавийлари ҳам ҳажвий қитъалар намунаси сифатида таҳлил этилди¹. Р.Орзибековнинг тадқиқотларида эса бу хилдаги шеърлар “маснавий-шеърлар” деб тўғри таъкидланди². Ё.Исҳоқов ва Р.Орзибеков томонидан қайд этилган мазкур фикрлар адабиётшунослигимизда қитъа ва маснавийни бир-биридан фарқлашда муҳим қимматли маълумот вазифасини ўтади.

Иккинчи бобнинг **“Шеърый жанр ва бадий санъатларнинг чалкаштирилиш ҳолатлари”** деб номланган учинчи фаслида шеърый санъат ва шеърый жанр ўртасидаги боғлиқлик асосида юзага келган илмий чалкашликлар тадқиқ этилган.

Адабиётшунослигимизда чистон, муаммо, таърих кабиларни “шеърый санъат” ёки “жанр” қаторига киритишда қандай қоидаларга риоя этиш керак, деган масала ҳамон ўз долзарблигини йўқотмасдан келмоқда. Чунки, бу борадаги илмий-назарий фикрларнинг ҳар хиллиги баъзи ҳолатларда уларни нотўғри таҳлил этилишига сабабчи бўлди. Хусусан, бундай ҳолат таърих санъати юзасидан билдирилган мулоҳазаларда кузатилди. Жумладан, О.Олим Камий таърихлари мисолида таърих жанрига хос етакчи мезонларни аниқламоқчи бўлди³, аммо олим қайд этган жиҳатлар «жанр» белгилари эмас, балки таърих санъатига хос бирор воқеиликнинг вақтини кўрсатиш хусусияти эди.

Н.Раҳимжонов, Ё.Мадалиевлар эса “Таърих жанри ҳақида” мақоласида ушбу жанрнинг замонавий кўринишларини кашф этмоқчи бўлди. Улар таърихни бирор кимсанинг ўлимига бағишланган марсия ёки бағишлов сифатида англаган ҳолда (марсиянинг “абжад усули тушовларидан холос бўлган” кўринишлари таърихнинг тараққий этган шакли) унинг кейинги кўринишлари марсияларнинг ғоявий моҳиятида ўзгариш юз берганлигида деб тушундилар. Аслида бу ҳолат “марсияларнинг ғоявий-тематик жиҳатдан бойиши” тарзида изоҳланилса ҳам бўлар эди. Қизиқарлиси шундаки, олимлар марсия, бағишлов, монолог, элегия кабиларни таърихнинг турлари, жанр кўринишлари деб атади⁴.

Адабиётшунослигимизда муаммо ва истихрож санъатларининг ўзаро чалкаштирилиши ҳам кузатилди. Чунончи, З.Ҳамидовнинг “Навоий бадий санъатлари” рисоласида Алишер Навоийнинг қуйидаги машҳур рубоийсида муаммо санъати қўлланилганлиги таъкидланди⁵.

Жонимдаги “жим” икки “дол”ингга фидо,

¹ Маҳмудов Ғ. Замон, шеърят, ҳажвийёт. Ўзбек ва тожик сатирик поэзиясида жанрлар ранг-баранглиги (1900-1930 йиллар) – Самарқанд, Суғдиёна, 1994. –Б,54.

² Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърятини жанрлари. –Тошкент, Фан, 2006. –Б. 213.

³ Олтинбек О. Камий таърихлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. № 4. – Б.37-42.

⁴ Раҳимжонов Н., Мадалиевлар Ё. Таърих жанри ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. № 6. – Б.10–14.

⁵ Ҳамидов З.Навоий бадий санъатлари. – Тошкент, 2001. – Б.17.

Андин сўнг “алиф” тоза ниҳолингга фидо.

“Нуни” дағи анбарин ҳилолингга фидо,

Қолғон икки нуқта икки холингга фидо.

А.Ҳожиаҳмедов¹, Р.Орзибеков² ларнинг тадқиқотларида эса, мазкур рубоийда муаммо санъати эмас, балки истихрож (китобат) санъати ишлатилганлиги қайд этилган эди. Аммо, маълумки, истихрож ва муаммо бутунлай бир-биридан фарқ қилувчи мустақил санъатлардир.

